

---

**ВЕСТНИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

**4-СЪЕЗД ПАТОЛОГОАНАТОМОВ УЗБЕКИСТАНА С МЕЖДУНА-  
РОДНЫМ УЧАСТИЕМ, ПОСВЯЩЕННЫЙ 90-ЛЕТИЮ АКАДЕ-  
МИКА М.С. АБДУЛЛАХОДЖАЕВОЙ**

ТАШКЕНТ - 2022

**СОДЕРЖАНИЕ****CONTENT**

Магруппов Б.А., Исраилов Р.И., Турсунов Х.З., МАЛИКА САМАТОВНА АБДУЛЛАХУЖАЕВА – АЛЛОМА АЁЛ

Magrupov B.A., Israilov R.I., Tursunov K.Z., MALIKA SAMATOVNA ABDULLAKHO'JAEVA – THE SCIENTIST WOMAN 6

**ПАТОЛОГИЯ БЕРЕМЕННОСТИ РОДОВ И ПОСЛЕРОДОВОГО ПЕРИОДА****PREGNANCY PATHOLOGY OF CHILD-BIRTH AND THE POSTPARTUM PERIOD**

Жуманазаров Н.А., Надеев А.П., Убайдаева А.Б., Дарменов Е.Н., СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ МАТЕРИНСКОЙ СМЕРТНОСТИ В ТУРКЕСТАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Zhumanazarov N.A., Nadeev A.P., Ubaidaeva A.B., Darmenov E.N., MODERN VIEW ON THE PROBLEM OF MATERNITY IN THE TURKESTAN REGION 9

Исраилов Р., Жураева Г.Б., БАЧАДОНГА ҚЎШНИ АЪЗОЛАР ЭНДОМЕТРИОЗИДА ИММУНО-ГИСТОКИМЁВИЙ МАРКЕР КИ-67 ЭКСПРЕССИЯЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА ПРОЛИФЕРАТИВ ИНДЕКСИ

Israilov R., Juraeva G.B., THE LEVEL OF EXPRESSION AND PROLIFERATIVE INDEX OF IMMUNO-GISTOCHEMICAL MARKER KI-67 IN EXPRESSION LEVEL AND PROLIFERATIVE INDEX 13

Karimjanov X., Israilov R.I., Mamataliev A.R., ENDOMETRIOZLARNI UCHRASH DARAJASI, PATOMORFOLOGIK VA IMMUNOGISTOKIMYOVIY O'ZGARISHLARINI XARAKTERISTIKASI

Karimjanov H., Israilov R.I., Mamataliev A.R., CHARACTERISTICS OF THE DEGREE OF PREVALENCE, PATHOMORPHOLOGICAL AND IMMUNOHISTOCHEMICAL CHANGES OF ENDOMETRIOSIS 18

Киреева И.В., Рахимов В.Б., Артиков Д.Д., МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ОПУХОЛЕЙ ПЛАЦЕНТЫ

Kireeva I.V., Rakhimov V.B., Artikov. D.D., MORPHOLOGICAL ANALYSIS OF PLACENTAL TUMORS 20

Мамиров Б.Р., Магруппов Б.А., Алимова Х.П., Худайберганаев З.С., Бутаев А.Х. МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПЛАЦЕНТЫ ПРИ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ

Mamirov B.R., Magrupov B.A., Alimova Kh.P., Khudaiberganov Z.S., Butaev A.Kh., MORPHOFUNCTIONAL CHARACTERISTICS OF THE PLACENTA IN CORONAVIRUS INFECTION 23

Надеев А.П., Жуманазаров Н.А., Копабаяев М.Р., Досжанов С.С., АНАЛИЗ ЛЕТАЛЬНЫХ ИСХОДОВ У БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН НА ФОНЕ COVID-19

Nadeev A.P., Zhumanazarov N.A., Kopabaev M.R., Doszhanov S.S., ANALYSIS OF FATAL OUTCOMES IN PREGNANT WOMEN DUE TO COVID-19 26

Ruzmetova N.F., Shukurov F.I., KORONAVIRUSLI INFEKSIYASINING RIVOJLANMAGAN HOMILADORLIKNI KELIB CHIQISHIDAGI O'RNI

Ruzmetova N.F., Shukurov F.I., THE ROLE OF CORONAVIRUS INFECTION IN THE ETIOLOGY OF NON-DEVELOPING PREGNANCY 31

Саноев Б.А., Алимова А.З., МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПЛАЦЕНТ РОДИЛЬНИЦ БУХАРСКОГО ОБЛАСТНОГО ПЕРИНАТАЛЬНОГО ЦЕНТРА ЗА ПЕРИОД 2020 ГОДА.

Sanoev B.A., Olimova A.Z., PATHOMORPHOLOGICAL RESEARCH OF THE PLACENTA OF THE BUKHARA REGIONAL PERINATAL CENTER FOR THE PERIOD OF 2020 35

Эшбаев Э.А., Алланазаров И.М., Аллаберганов Д.Ш. ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СЕРДЦА НОВОРОЖДЕННЫХ ПРИ ПРЕЭКЛАМПСИИ МАТЕРИ

Eshbayev E.A., Allanazarov I.M., Allaberganov D.Sh., PATHOMORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE HEART OF NEWBORN WITH PRE-ECLAMPSIA OF THE MOTHER 38

**ПАТОЛОГИЯ ПЕРИНАТАЛЬНОГО ПЕРИОДА И ДЕТСКОГО ВОЗРАСТА****PATHOLOGY OF THE PERINATAL PERIOD AND CHILDHOOD**



*Посвящено памяти  
Академика Абдуллаходжаевой М.С.*

МАЛИКА САМАТОВНА АБДУЛЛАХУЖАЕВА – АЛЛОМА АЁЛ

Магруппов Б.А., Исраилов Р.И., Турсунов Х.З.

Инсон ўз умрини одамларга кўрсатган яхшилик ва эзгулик фаолиятини беминнат ва ҳалол баҳишда этган бўлса, ундан нурафшон излар, нури саҳифалар қолади. М.С. Абдуллаҳўжаева шундай инсонлардан бўлганлигидан бу дунёда яшаган сермазмун умрини таълим, илм-фан тараққиётига, табобат соҳасида юқори чўққиларни забт этишга, инсон саломатлигини муҳофаза этишдек шарафли мақсадга бағишлаган. Яратганининг ўзи у кишининг бу ёруғ дунёда бажарган барча савоб ишлари эвазига жойларини жаннатда қилсин. Биз, шогирдлар устознинг ҳаққига доимо дуода бўлайлик, барча ўғитларини доимо ёдимизда тутиб, серқирра ишларини давом этказайлик.

Малика Саматовна Абдуллаҳўжаева – Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, Халқаро Патология Академиясининг Марказий Осие бўлими Президенти, Нью-Йорк Фанлар Академияси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, жаҳоннинг XX-асрда кўзга кўринган 500 нафар олимларидан бири, 1998 йилнинг энг салоҳиятли деб тан олинган аёли, шифокорлик, ўқитувчилик, мураббийлик, раҳбарлик, ташкilotчилик вазибалари-ю, инсонийлик, халқларварлик, ҳақўйлик, самимийлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштира олган аллома аёлдир.

У кишининг ҳаёт-фаолиятига назар солсак, бундан рошпа-роса тўқсон йил муқаддам 1932 йилнинг 28-ноябрида Москва шаҳрида Шарқ халқлари халқаро университети талабалари оиласида дунёга келганлар. 18 ёшли кизароқ Малика Саматовна 1950 йили Тошкент шаҳридаги 110- мактабни олтин медал билан тугатиб, ТошДавТИ доволаш факультетига ўқишга кириб, 1956 йили аъло баҳолар билан тугатганлар.

Талабалик даврида Давлат стипендианти бўлган, Талабалар илмий жамиятини раис сифатида бошқарган. Малика Саматовна илмий иш билан шуғулланишни талабалик йилларида бошлаган, патологик анатомия кафедрасида профессор Г.Н Терехов раҳбарлигида “Болалар шевмония касаллигида вагуснинг дорсал ядроси гистохимияси” мавзуси бўйича иш бажариб, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳамда СССР олий ва ўрта таълим Вазирлигининг “Фахрий ёрлик”ини олган.

1956 йили Малика Саматовна ТошДавТИни қизил диплом билан тамомлаган ва СССР Фанлар Академияси “Бош мия институти”нинг “Гистохимия” йўналиши бўйича аспирантурага қабул қилинган ва 1960 йил 27-декабрда СССР Фанлар Академияси тиббий-биология бўлими Илмий кенгашида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси бўйича диссертациясини ёқлаганлар.

Малика Саматовна 1960 йиллар ўз ватанига Ўзбекистонга, яъни Тошкентга келиб 1961 йилда ТошДавТИ да биринчи бўлиб Марказий илмий-тадқиқот лабораториясини (ЦНИЛ) ташкил қилганлар. 1963 йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Рентгенология, радиология ва онкология Илмий-тадқиқот институтида гистохимия лабораториясини ташкил қилганлар.

Малика Саматовна илмий изланишларини давом этказиб, марказий нерв тизимининг ҳар хил таъсиротларга жавобан реактив ўзгаришлари билан шуғулланганлар. Жумладан, “Хайвонлар марказий нерв тизимида экспериментал бластомогенезнинг гистопатологияси” бўйича 1968 йили тиббиёт фанлари доктори бўйича диссертация ёқлаганлар.

1969 йили ТошДавТИ патологик анатомия кафедраси мудирлигига конкурс асосида тасдиқланганлар ва 1970 йили профессор илмий унвонини олганлар. Нейропатология, жумладан нейроморфология бўйича шогирдлари билан биргаликда илмий изланишларни давом этказиб, марказий нерв тизимининг далиллар келтириш, ахлоқ ва эслаш қобилиятини жамлайдиган марказ гипокамп морфологиясини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориб, “Меёр ва патологияда гипокамп ультраструктураси” (1981) монографиясини чоп қилганлар.

Малика Саматовна 35 йилдан ортиқ даврда тиббиёт институти патологик анатомия кафедрасининг мудир сифатида фаолият кўрсатганлар ва бу йиллар давомида Ўзбекистоннинг тиббиёт фанларига олимлар ва олий тиббиёт даргоҳларига юқори малакали педагоглар ва шифакорлар тайёрлашда улкан ҳисса қўшган.

М.С. Абдуллаҳўжаева қўшлаб услубий тавсиянома ва қўлланмалар, ўқув дарсликлар, жумладан чет эллик талабадар учун ўқув қўлланма ва атлас муаллифи. 1997-1999 йиллар мобайнида тиббиёт институтлар талабалари учун илк бор ўзбек ва рус тилларида “Одам патологияси асослари” номли икки томлик дарслик яратдилар. 2007 йили ушбу дарсликни лотин шрифтига ўтириб чоп қилдилар. 2012 йилга келиб рус ва ўзбек тилларида “Патологическая анатомия” ва 2 қисмдан иборат лотин шрифтида “Patologik anatomiya” дарслигини ятардилар. 2013 йилда эса ўзбек ва рус тилларида “Атлас патологической анатомии”, “Патологик анатомия атласи”ни нашрдан чиқазганлар.

Малика Саматовна 1972 дан 1997 йилгача ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош патологоанатоми лаводида фаолият кўрсатиб, Республикада патологик анатомия хисмати ривожланишига улкан ҳисса қўшган. У кишининг ташаббуси билан Республикада биринчи марта патологик

анатомия бўйича интернатура киритилган, Республиканинг барча даволаш-профилактика муассасаларида патологоанатомик бўлимлар ташкил қилинган. Тошкент шаҳрида у кашининг ташаббуси билан Республика патологик анатомия маркази ташкил қилинган, ҳозирги кунда бошқа ҳамкорлик давлатларда аналогий йўқ ва бу марказ йирик Ўқув-илмий-амалий комплекс ҳисобланади. Бу марказ таркибида қуйидаги бўлим ва лабораториялар: патогистология, бактериология, вирусология, цитология, гистохимия, ПЦР лаборатория, электрон микроскопия, тиббий ва молекуляр генетика мавжуд бўлиб, улар асосида патологоанатомлар клиник шифокорлар иш-фаолиятини экспертиза қилишади. Ҳамда, марказда ТТА талабалари, магистрлар ва клиник-ординаторлар таҳсил олишади. Малика Саматовна кўп йиллар давомида марказ директори лавозимида фаолият кўрсатиб, таъбаотнинг долзарб муаммолари ҳисобланган: Юрак-томир касалликлари, атеросклероз, перинатал патология ва оналар ўлими патологияларининг патологик анатомиясини ўрганиб, бир қатор шогирдлар тайёрлаганлар, жумладан тиббиёт фанлари докторлари: Полякова Г.А., Алиев Б.И., Гулямов Н.Г., Маткулиев Х.М., Исраилов Р.И., Турсунов Х.З.; ва бир қатор тиббиёт фанлари номзодлари тайёрлаганлар.

Профессор М.С. Абдуллаҳўжаева экспериментал ва клиник иммунопатология соҳаси бўйича ҳам ҳаммага таниш олима ҳисобланган. Шогирдлари билан биргаликда ҳомиладорлик асоратлари патогенези ва патологик анатомиясини ўрганишида бир қатор илмий ишланишлар олиб борганлар. Улар томонидан, ўта сезувчанликнинг тезкор тури реакцияси оқибатида меърий жойлашган йўлдошнинг барвақт ажралишини ва ҳомиладорларда ўта сезувчанликнинг секин тури оқибатида гломерулонефрит ривожланиши тасдиқланган.

Оналар ўлими сабабларидан ҳомиладорликда боғлиқ касалликлар ва экстрагенитал касалликлар патологик анатомиясини бўйича бир қатор илмий изланиш ўтказганлар. Ушбу илмий ишлари самараси ўлароқ бир қатор шогирдлари номзодлик ва докторлик диссертация ёқлаганлар. Болалар ўлими сабабларини ўрганиш бўйича ҳам кенг миқёсда илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилганлар. Болаларда иммун танқислигининг учраш даражаси, турлари, хавфли омиллари ва патологик анатомиясини бўйича Малика Саматовна раҳбарлигида Р.И. Исраилов докторлик диссертация ёқлаган (1994). Жумладан, перинатал патологияларнинг патологик анатомиясини чуқур даражада илмий таҳлил қилиб, "Чақалоқлар нафас бузилиши синдромининг этиологияси, патогенези ва патологик анатомиясини" мавзусида 2005 йили Турсунов Х.З. докторлик диссертация ёқлаган.

1995 йилда М.С. Абдуллаҳўжаева Академиянинг муҳбир-аъзоси, 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси академик бўлган. Академик М.С. Абдуллаҳўжаева раҳбарлигида 2005 йилда бажадон бўйни ракида Human Herpes вирусининг 8-типи, Капоши саркомаси ривожланишида Эпштейн-Барр вирусини, оддий герпес вирус, одам папилломаси вируси ва цитомегаловирус аҳамияти ўрганилган. 2010 йилда «Способ экспресс-диагностики рака шейки матки» янгиликта патент олишган ва «Цитологическая и биопсийная диагностика рака шейки матки с помощью современных биотехнологических методов» (2010) услубий тавсиянома чоп қилинган. Малика Саматовна кўп йиллар давомида "Архив патология" журнали редакция кенгаши аъзоси ҳисобланган.

М.С. Абдуллаҳўжаева Ўзбекистонда тиббиёт тарихини ўрганишга катта эътибор қаратган. У киши томонидан «История развития патологической анатомии в Узбекистане» (1983) яратилган, ТошДавТининг 60-йиллигига академик ў.А.Арипов билан бирга «Альманах ТашГосМИ» яратилган.

Академик ў.А. Арипов томонидан 14-сентябр 1972 йили Ўзбекистонда биринчи марта буйракни кўчириб ўтказиш жарроҳлиги амалга оширилади, натижада аъзо ва тўқималар трансплантациясини бўйича улкан илмий дастурни ишлаб чиқиш бошланади. Бу дастурнинг морфология кимсини бажаришни академик М.С. Абдуллаҳўжаева мактаби ўз зиммасига олади. Буйрак трансплантациясини амалиётда организмнинг иммун тизими аъзо ва тўқималарида ривожланган патоморфологик ўзгаришларни ўрганиш амалга оширилади. Аъзо ва тўқималар трансплантациясини оқибатида организмда ривожланган иммунопатологик жараёнларни бостириш мақсадида биринчи марта Ўзбекистонда гўза поя таркибидаги госсипол моддасидан иммунодепрессант моддалар ажратиб олишни биоорганик химия институти директори академик А.С. Садкков ва У.А. Арипов бошчилигида ажратиб олиниб, клиникада қўллаш таклиф этилади. Иммунодепрессант моддаларни яратиш бўйича академиклар ў.А. Арипов ва М.С. Абдуллаҳўжаевалар томонидан бир нечта патентлар олинади: "Сурункали гломерулонефритни даволаш усули", "Иммунодепрессив хусусиятига эга госсипол ҳосилалари", "Иммунодепрессив хусусиятига эга моддаларни олиш усули". 1980 йилда бу муаллифлар ҳамкорлигида "Аллотрансплантация ва иммунодепрессия пайтида лимфоид тўқима морфологиясини" монографиясини яратилади.

Академик М.С. Абдуллаҳўжаева – патологоанатомларнинг йирик илмий-педагогик ва амалий мактаби асосчиси: у кишининг раҳбарлигида 15 та тиббиёт фанлари доктори ва 58 та номзодлар тайёрланган, улар Ўзбекистоннинг йирик тиббиёт марказларида, ҳамда Марказий Осиё

давлатларида, ҳамда Россия, Исроил, хиндистон, Йемен, Египт, Непал, АҚШда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

М.С. Абдуллаҳўжаева ўз миллатини, элини, фанини жаҳонга танита олган аллома бўлганлигидан 2006 йилда Ўзбекистон Президенти фармони билан М.С. Абдуллаҳўжаева “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва “Олтин Юлдуз” кўкрак нишони билан тақдирланган. Бундан ташқари, собиқ Совет давлати пайтида «Хурмат белгиси» (1976) ордени, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»га (1980) сазовор бўлган, мустақилликдан кейин «Мехнат шухрати» (2003) ордени ва бир қатор медаллар билан мукофотланган.

2007 йилдан бошлаб М.С. Абдуллаҳўжаева Республика патологоанатомик хизмат амалиётига янги технологияларни тадбиқ этиш бўйича

фаол иш олиб борганлар. Вилоятлар патологоанатомик бюрolari ва айрим туманлар ПАБўлимларига макро- ва микроскопия бўйича телемедицина тизими ўрнатилган, Ipath телемедицина тармоғига 19та патологоанатомик муассасалар киритилган, бу эса биопсия бўйича консултацияни Европа ва Осиё давлатлари мутахассислари иштирокида олиб боришга имкон беради.

Бугун, Малика Саматовнанинг туғилганига 90 йил тўлган кунда, у кишининг хотирасини эслаб, ҳаёт-фаолиятига ҳолисона назар ташласак, табобат илмининг заҳматли йўлларида мардонанвор босиб ўтганлиги ва барча олий мақсадларга эришганлигини англаймиз. Биз шогирдлари улуг устозимизнинг ўғитларига амал қилиб, доимо бизга кўрсатган йўлдан илдам қадам босиб, Республикамызда патологик анатомия фанини ривожлантиришга ҳисса қўшамиз.